

Умму Исмоил - Ҳожар онамиз (иккинчи мақола)



15:00 / 09.12.2020 5910

Аллоҳнинг раҳмати

Ҳожар ўғилларининг олдига югуриб келдилар. Шу лаҳзада Аллоҳ онанинг ғамини еб Ўзининг раҳматидан насиб этди. Аллоҳ Жаброил алайҳиссаломни юборди. У зот қанотлари билан ерни урдилар. Ердан сизиб сув чиқа бошлади. Ҳожар онамиз сувни ичиб, Аллоҳга ҳамд айтдилар. Сувга қараб: «зумми зумми», дедилар, шундан булоқнинг номи Замзам бўлди.

Она-бола сувдан ичдилар, юзларига табассум югурди. Бу Аллоҳнинг она-болага раҳмати эди! Ҳожар онамизнинг сув қидириб югуришлари то қиёматгача келадиган одамларга шиор бўлиб қолди. Бақара сурасининг

158-оятида Аллоҳ таоло хабар беради:

حَٰنُجَّالَافَ رَمْتَعَا وَأَتَيْبَلَّالْحَاحَ نَمَفَّهَلَّالِرَّئِآعَشَ نَمَ وَرَمَّالْأَوْفَصَلَّالَّانِ
مِيَلَعُ رُكَّاشَ هَلَّالَّانِ إِفَ أَرْيَخَ عَّوَطَطَ نَمَ وَأَمُوبَ فَّوْطِي نَأْهَيْلَع

«Албатта Сафо ва Марва Аллоҳ (буюрган) маросимлардандир. Бас, ким Байтуллоҳни (тавоф қилиш билан) ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёрига яхшиликни ният қилса, бас, албатта Аллоҳ Шукр қилгувчи (Тақдирловчи) ва Билгувчидир».

Она-бола бир қанча кун Зам-зам қудуғи олдида қолдилар. Булоқ атрофига қушлар учиб келишди. Бу ерда сув борлигини билиб, қабилалар ҳам етиб келдилар. Баъзилар бу ерда ўзларига маскан қилиб яшаб қолишди. Ёш Исмоил улардан араб тилини ўрганди.

Катта имтиҳон

Исмоил араблар орасида, Зам-зам ёнида улғая бошлади. Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари ва хотинларини кўргани келардилар. Бир куни Иброҳим алайҳиссалом туш кўрсалар, ўғиллари Исмоилни сўяётган эмишлар! Буни Ҳожар онамизга айтдилар. Ҳожар билдиларки, пайғамбарларнинг тушлари рост ва ваҳий бўлади. Бир неча вақт Ҳожар онамиз жим маюс юрдилар. Ўзлари ўзларига: «Ёлғиз ўғилларини қандай қилиб қўйга ўхшаб бўғизлайдилар?», дедилар. Лекин Ҳожар онамизнинг иймонлари комил иймон эди. «Агар Аллоҳ таоло шуни қазои қадар қилган бўлса, сабр қиламан, Аллоҳнинг амрига итоат этаман, бор куч-қувватим билан бўйсунаман!» дедилар.

Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоилга бу хабарни етказдилар. Исмоил шундай деди:

نِي رَبِّ اَصْلًا نَمُ هَلَّالْءِاشَ نِي نُنْدَجَتَسُ رَمُّوْتِ اَمَلْغَفَاتَبَّالْاِيَلْاق

«Эй отажон, сенга (тушингда Парвардигор томонидан) буюрилган ишни қилгин. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан» (Вассоффот сураси, 102-оят).

Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари билан саҳрога чиқдилар. Шайтон аввал Ҳожар онамизни васваса қилди: «Болангни сўйгани олиб кетяпти!» Сўнг Иброҳим алайҳиссаломни васваса қилди. У зот иккита тош олиб отдилар, Аллоҳдан паноҳ сўрадилар. Ўғиллари ҳам шундай қилди. Ҳаж амаллари

бажарилгандан сўнг уч кун тош отиш шулардан мерос қолди.

(Давоми бор)

«Мўминалар силсиласи» китобидан